



VIOLATION OF LABOR PROTECTION RULES IN CONSTRUCTION AND ISSUES OF THEIR INVESTIGATION

Bakhtiyor Shirinkulov

Independent Researcher

Academy of Law Enforcement

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: labor protection, safety regulations, construction sector, criminal liability, investigation process, causal relationship, organizational and technical shortcomings.

Received: 10.01.24

Accepted: 12.01.25

Published: 14.01.25

Abstract: This article analyzes certain aspects of investigating crimes related to violations of labor protection and safety regulations in the construction sector. Being one of the most hazardous industries, the construction sector requires the protection of workers' lives and health. In investigating such crimes, issues such as establishing causal relationships, identifying organizational and technical shortcomings, and examining the subjective and objective aspects of the crime are of critical importance. The article reviews problems encountered during the investigation process and proposes legal and practical recommendations for their resolution. This study is aimed at improving legal relations in the field of labor protection in the construction sector.

ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА УНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Бахтиёр Ширинқулов

мустақил изланувчи

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик қоидалари, қурилиш соҳаси, жиноий жавобгарлик, тергов жараёни, сабаб-оқибат муносабати, ташкилий ва техник камчиликлар.

Аннотация: Мазкур мақолада қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. Қурилиш соҳаси юқори хавфли

ишлаб чиқариш турларидан бири сифатида ишчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишни талаб этади. Бундай жиноятларни тергов қилишда сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш, ташкилий ва техник камчиликларни аниқлаш, шунингдек, жиноятнинг субъектив ва объектив томонларига оид ҳолатларни ўрганиш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади. Мақолада тергов жараёнида юзага келадиган муаммолар таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш учун ҳуқуқий ва амалий тавсиялар таклиф этилган. Ушбу тадқиқот қурилиш соҳасидаги меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган.

НАРУШЕНИЕ ПРАВИЛ ОХРАНЫ ТРУДА В СТРОИТЕЛЬСТВЕ И ВОПРОСЫ ИХ РАССЛЕДОВАНИЯ

Бахтиёр Широнокулов

Независимый исследователь

Академии правоохранительных органов

Ташкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: охрана труда, правила безопасности, строительная отрасль, уголовная ответственность, процесс расследования, причинно-следственная связь, организационные и технические недостатки.

Аннотация: В данной статье проанализированы некоторые аспекты расследования преступлений, связанных с нарушением правил охраны труда и техники безопасности в строительной сфере. Строительная отрасль, являясь одной из наиболее опасных сфер производства, требует защиты жизни и здоровья работников. При расследовании таких преступлений важное значение имеют вопросы установления причинно-следственной связи, выявления организационных и технических недостатков, а также изучения субъективной и объективной сторон преступления. В статье проведен анализ проблем, возникающих в процессе расследования, и предложены правовые и практические рекомендации для их решения. Данное исследование направлено на совершенствование правовых отношений в области охраны труда в строительной сфере.

Кириш. Қурилиш соҳаси инсон ҳаёти ва соғлиғи учун юқори хавфли бўлган ишлаб чиқариш турларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада меҳнатни муҳофаза қилиш ва

хавфсизлик қоидаларига риоя этиш нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини таъминлайди, балки ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолишга ҳам хизмат қилади. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб ҳолларда ушбу қоидаларнинг бузилиши жиддий оқибатларга, жумладан, инсонларнинг оғир тан жароҳатлари олиши ёки ҳаётдан маҳрум бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида бундай жиноятларни содир этган шахсларнинг жавобгарлиги, уларнинг жазоланиш мезонлари ва ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб қўйилган.

Ушбу мақолада қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинади. Жумладан, тергов жараёнида аниқланиши лозим бўлган асосий ҳолатлар, сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш муаммолари, ташкилий ва техник камчиликлар, шунингдек жиноятни содир этишга олиб келган омилларни аниқлаш каби масалалар кўриб чиқилади.

Тадқиқ этилаётган жиноятларни фош этиш ва тергов қилишга қаратилган фаолиятнинг асосий мақсадларидан бири бу иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиш ҳамда ҳолисона баҳолаш орқали содир этилган қилмишда жиноят таркибининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, шу билан бирга жиноят ишида исботланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш саналади.

Жиноятларни тез, тўла очиш, айбдорларни фош этиш, уларга адолатли жазо берилишини таъминлаш ҳамда айни вақтда айбсизларни жиноий жавобгарликка тортиш фактларини бартараф этиш, жиноят содир этилганлигига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларни қонунларга сўзсиз риоя этиш руҳида тарбиялаш – бу вазифаларнинг ҳар бири ва барчасини яхлит ҳолда рўёбга чиқариш ҳар бир муайян ҳолда хилма-хил аниқ ахборотнинг катта ҳажмини текшириш ва баҳолаш заруратини ташкил этади.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жиноят иши предметини ҳисобланадиган ҳолатларни ишончли аниқлаш ҳамда шу асосда муайян ҳолга нисбатан санкциялар ва тарбиявий-профилактик чораларни белгилайдиган ҳуқуқ меъёрларини қўллаш лозим.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) нинг 22-моддасида ҳақиқатни аниқлаш принципи мазмунини очиб берилган бўлиб, унга кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз

берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Х.Б.Жамолдинов ва А.С.Мирзаевлар фикрича, “Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддаси қоидаларини мазкур кодекс махсус қисмининг ўзига хос нормалари ва ушбу тоифадаги қилмишларни содир этишни тартибга солувчи қонунлар билан интеграциялашуви алоҳида турдаги жиноятлар гуруҳи учун исботлашнинг аниқ предметини ташкил қилади. Тегишли тоифадаги ишлар учун аниқланиши керак бўлган ҳолатлар рўйхатини тақдим этиш, терговчи учун ўзига хос ташкилий-тактик кўрсатма вазифасини ўтабгина қолмай, тергов жараёнида бўшлиқ ва ноаниқликларга йўл қўймаслик билан бирга, криминалистик мазмун ҳам касб этади” [1].

Жиноятларни тергов қилишда “мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳамда юзага келадиган типик тергов вазиятларини таҳлил қилиш каби вазифалар қаторида, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганиш, улар юзасидан далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг тез, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши дастлабки терговнинг самарадорлиги ва сифати юқори бўлишини таъминлайди” [2].

Жиноятнинг исботлаш предмети ва чегараларини белгилаб олиш борасида ҳам олимларнинг қарашлари турлича бўлиб, жиноятнинг криминалистик тавсифи исботлаш предмети билан ўзаро боғлиқлиги мураккаб масалалардан биридир. Жумладан, Р.Р.Шакуров ва бошқалар муайян турдаги жиноятнинг криминалистик тавсифи элементлари шу жиноятнинг исботлаш предметини ташкил қилишини таъкидлашади [3].

Қурилиш ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузиш, агар бунинг натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати катта зарар етказилган бўлса, жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий хавфли оқибатларнинг пайдо бўлиши ва табиати факти аниқланиши

керак, чунки уларни таҳлил қилиш ушбу жиноятнинг предмети, уни содир этиш усули, ходисанинг сабаблари ва шикастланишлар, қурилиш ишларини олиб бориш шартлари, ишлатиладиган машиналар, механизмлар, асбоб-ускуналарнинг ҳолати, изларнинг жойлашиши, шунингдек далолатномани тўғри квалификация қилиш тўғрисида аниқ қарор чиқаришга имкон беради [4].

Таҳлил қилинаётган жиноят ишлари бўйича энг муҳим ҳолатларни аниқлаш учун нафақат жойни, балки қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузиш, уни яшириш, шунингдек ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланиши вақтини ҳам аниқлаш керак. Ушбу қоидаларнинг бузилишининг энг аниқ жойи ва вақтини терговнинг дастлабки босқичидаёқ аниқлаш жиноятнинг предмети, унинг айби ва мотиви, шунингдек жиноятни содир этиш усули тўғрисида асосли версияларни илгари суришга имкон беради. Ўз навбатида, ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиш жойи ва вақтининг белгиланиши жабрланувчилар, жиноят натижасида етказилган зарар тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

Суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, “Иш хужжатларига кўра, гумон қилинувчи Ш.Мавлянов меҳнатни муҳофаза қилиш ва уни қоидаларига риоя этилиши учун маъсул шахс бўла туриб 2023 йил 25 ноябрь куни соат тахминан 18-30ларда “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари”, “Қурилишда хавфсизлик техникаси” ҚМҚ 3.01.02-00 1-илоvasи билан тасдиқланган “Қурилиш ташкилотларида меҳнатни муҳофазалаш (техникавий хавфсизлик) бўйича иш берувчи муҳандис-техник ходимлар, бригадирлар ва ишчилар функционал вазифалари ҳақидаги” тахминий Низомнинг 4 - “Бошқа тузилмавий бўлинмалар таркибига кирувчи меҳнатни муҳофазалаш ва хавфсизлик техникаси бўйича бўлим бошлиғига, шунингдек меҳнатни муҳофазалаш ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандисларига” қуйидагилар юкланади: бўлимининг д, е,) бандлари талаблари ҳамда “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари” “Қурилишда хавфсизлик техникаси” ҚМҚ 3.01.02-00 нинг 4 – “Технологик жиҳозлардан ва инструментлардан фойдаланиш” бобининг 4.18-банди талабларини кўпол равишда бузиб, Сирдарё тумани, Фурқат маҳалласи ҳудудида жойлашган “Пенг-Шенг” кўшма корхонаси ҳудудида ижара асосида қурилиши ишларини олиб бораётган, "Сирдарё Метал Сонструктор" МЧЖга ёлланма ишчи сифатида ишлаб келаётган, Қодиров Холмурод Келдибоевичнинг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қоидаларга амал қилишини, унга баландликда ишлаш учун берилиши лозим бўлган воситалар билан таъминлаб бермаганлиги оқибатида фуқаро иш вақтида баландликдан йиқилиб тушиб ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст олган”. Суд давомида гумон қилинувчи ва жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Мавлянов Шарофжон

Беркинович (Mavlyanov Sharofjon Berkinovich)га нисбатан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан тугатган [5].

Кўриб чиқиладиган қилмиш моддий таркибга эга бўлган жиноят эканлигини ҳисобга олиб, хавфсизлик қоидаларини бузиш билан ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши ўртасида сабаб-оқибат боғлиқлигини ўрнатиш дастлабки терговнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Сабабий боғланиш инсон онгидан ташқари юз берадиган объектив категория бўлиб, у ҳодиса ва воқеа билан ташқи олам қонуниятига мавжуд бўлади. Жиноий қилмишнинг содир этилишида муайян сабаблар жиноий оқибатни келтириб чиқарди. Олимлар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноий қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни асосий иккита мезонларга бўладилар: 1) жиноий қилмиш ва оқибатнинг бир-бири билан вақт бўйича мувофиқлиги; 2) содир этилган жиноий қилмиш аниқ бир оқибатни келтириб чиқариш имкониятига эга бўлиши лозимлиги [6].

Жиноят ҳуқуқи дарслиги муаллифлари фикрича, “Жиноий қилмиш ва унинг натижасида юз берган оқибат ўртасида оқибатга таъсир этувчи оралиқ ҳодисалар мавжуд бўлмаслиги, сабабий боғланиш вақт мезонидаги жараён бўлиб, ундаги асосий шарт қилмишнинг оқибатдан олдин юз берганлигидир” [7].

Ф. Худойкулов таъкидлашича, “Жиноят ҳуқуқи назарияси ва илмий тадқиқотларни ўрганиш натижасида сабабий боғланишнинг қуйидаги учта зарурий шартини ажратамиз: 1) жиноий қилмиш-сабабий боғланиш-жиноий оқибат. Жиноий қилмиш муайян ижтимоий хавфли оқибатнинг вужудга келиш сабаби бўлиши учун у жиноят оқибат вужудга келишининг ягона зарурий шароити бўлиши лозим; 2) жиноий қилмиш-сабабий боғланиш-жиноий оқибат. Айнан содир этилган жиноий қилмиш юза келган жиноий оқибатнинг ягона асоси бўлиши керак; 3) жиноий қилмиш-вақт(сабабий боғланиш)- жиноий оқибат. Жиноий қилмиш ва оқибат бир бутун вақт уйғунлигида бўлиши лозим, яъни айнан содир этилган жиноий қилмиш натижасида бевосита муайян вақт оралиғида жиноий оқибат юзага келиши лозим. Чунки, жиноят қилмиш ва оқибат ўртасида албатта қандайдир тасодифий эмас, балки аниқ реал воқеаликда юз берадиган зарурий сабабий боғланиш вужудга келиши лозим бўлади” [8].

Таҳлил ва натижалар: Кўпгина криминалистлар таъкидлаганидек, хавфсизлик қоидалари бузилган ҳолларда сабаб-оқибат муносабатларининг тузилиши оддий бўлиши мумкин (хавфсизлик қоидаларини бузиш, шикастланиш хавфини яратадиган техник, ташкилий ва ташкилий-техник сабабларнинг пайдо бўлиши – “травматик ҳаракатлар” ва натижада шикастланиш) ва бу турли омилларнинг аралашуви билан мураккаблашиши мумкин. Улар орасида инсон ҳаёти ва соғлиғи учун объектив хавфли ишлаб чиқариш

омилларини (машиналарнинг ҳаракатланувчи қисмлари, механизмлар, ускуналар, асбоблар; қайта ишланган материалнинг учувчи қисмлари; электр токи, зарарли суюқликлар, баландликдан тушадиган юклар ва бошқалар), табиат кучлари (кўчкилар, қум, кучли шамол шамоллари, паст ёки юқори ҳароратлар ва бошқалар) ва жабрланувчиларнинг ўзларининг хатти-ҳаракатлари ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Суд-тергов амалиётини таҳлил меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузганлик ҳолатларида сабаб-оқибат муносабатларини аниқлашнинг асосий камчилигини терговчилар кўпинча фақат муайян шахслар ва жабрланувчиларнинг ўзлари томонидан қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузиш билан бевосита боғлиқ алоқаларни ўрнатиш билан чеклашларида кўриш мумкин. Натижада, маълум бир ҳодисанинг барча мумкин бўлган айбдорлари ҳар доим ҳам аниқланмайди ва хавфсизлик қоидаларини бузганларнинг ҳар бирининг айбдорлик даражаси аниқ ажратилмайди.

Шу билан бирга, жабрланувчининг бахтсиз ҳодисада айбдорлик даражасини аниқлаган ҳолда, ҳодисага фақат унинг нотўғри ҳаракатлари ёки ҳолати сабаб бўлганми ёки йўқми, ушбу ҳолатда қурилиш ташкилотининг айрим мансабдор шахслари томонидан хавфсизлик қоидалари бузилганлиги ёки чоралар кўрилмаганлиги натижасида содир бўлганми ёки йўқлигини аниқлаш керак. Агар бахтсиз ҳодиса ўзаро айбдорлик натижасида юзага келган бўлса, жабрланувчининг нотўғри хатти-ҳаракати ёки ҳаракатлари мансабдор шахсининг айби ва жавобгарлигини истисно қилмайди [9].

Таҳлил қилинаётган қилмишни текширишда аниқланадиган **иккинчи гуруҳ** ҳолатларига жиноят субъектининг айбини тасдиқловчи фактлар, унинг айби шакли ва қонунга хилоф қилмиш мотивлари, шунингдек кўрсатилган шахсининг айбининг хусусияти ва даражасига таъсир қилувчи ҳолатлар киради.

ЖК 257-ва 258-моддалари таҳлили ушбу жиноятларда айбнинг эҳтиётсизлик ёки аралаш шакли мавжудлигини кўрсатади. ЖК 22-моддасига кўра, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

ЖКнинг 23-моддасига мувофиқ, агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Кўрсатиб ўтилган жиноятларда айбдор меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини риоя қилмаслиги эҳтиётсизликдан ҳам, қасддан ҳам содир этилиши мумкин, ammo ҳар доим оқибатга нисбатан қасд мавжуд бўлмайди. Агар ЖК 257- ва 258-моддаларида кўрсатилган оқибатларга нисбатан қасд мавжуд бўлса, унда қилмиш шахсга қарши қаратилган жиноятларни содир этиш усусли сифатида баҳоланиши лозим бўлади.

Ушбу жиноятларда жиноят субъекти ва субъектив томонига оид ҳолатларни аниқлашда гумон қилинувчи тегишли қоидаларининг бузилишига қандай муносабатда бўлган; у воқеалар ривожининг айнан шундай сценарийсини олдиндан кўра олганми; у бундай ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақида маълумотга эга бўлганми; қоидаларни бузишнинг салбий оқибатларини олдини олиш имкониятидан хабардор бўлганми ва уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг олдини олиши мумкинмиди, деган саволларга жавоб топиш муҳим.

Мазкур тоифадаги жиноятларни тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган **учинчи гуруҳга** қурилиш ишларини олиб боришда тегишли қоидаларини бузишга ёрдам берган ташкилий-техник хусусиятдаги ҳолатларга аниқлаш лозим.

Ташкилий хусусиятдаги ҳолатларга хавфсизлик қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли маблағ ажратилмаганлиги, ташкилотда хавфсизлик қоидалари талабларига риоя этилишини текширишнинг тартибсизлиги, ташкилий, техник ва технологик ҳужжатларни сифатсиз ишлаб чиқиш, ташкилотда тегишли текширувларни ўтказган назорат органларининг кўрсатмаларига эътибор бермаслик, меҳнат қонунчилиги талабларини бузган ҳолда ходимларнинг меҳнат ва дам олиш режимини ўрнатиш, ходимларни ўқитиш сифатининг пастлиги, тегишли мутахассислик ёки малакага эга бўлмаган шахсларни ишларни олиб боришга жалб қилиш, ишларнинг мумкин бўлмаган комбинацияси, қурилиш ташкилотида, маълум бир қурилиш майдончасида интизомнинг паст даражаси ва бошқалар киради.

Бизнингча, аynиқса қурилиш соҳасида мутахассисларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш тизимида бир қатор ўта муҳим камчиликлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Вазирлар Маҳкамасининг архитектура, қурилиш, муҳандислик соҳалари раҳбар ва мутахассислари ҳамда ишчи касб эгаларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори [10] мавжуд

бўлишига қарамасдан, афсуски қурилиш соҳасида нафақат мансабдор шахслар, инженерлар, балки оддий ишчиларнинг ҳам малака даражаси етарли эмас.

Қурилиш соҳаси ходимлари малакаси пастиги кўп жиҳатдан замонавийлик талабларига жавоб бермайдиган ўқув дастурларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ. Иккинчидан, касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича амалий машғулотларга ажратилган вақт асоссиз қисқартирилган. Учинчидан, ҳозирги вақтда қурилиш мутахассисликлари бўйича шахсларнинг малакасини ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган таълим муассасаларининг ягона реестри, шунингдек малака оширишдан ўтган шахсларнинг ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас. Юқорида айтилганлар қурилиш соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлаш, малакасини ошириш ва сертификатлашнинг мавжуд тизими кўпинча расмий бўлиб, қурилиш хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилмайди, деган ҳулосага келишимизга имкон беради [11].

Ўз навбатида, техник хусусиятга эга бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради: носоз машиналар, механизмлар, ускуналар, асбоблар, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг ишлаши; машиналар, механизмлар, ускуналар ва асбобларнинг йўқлиги ёки нотўғри ёхуд ўз вақтида таъмирланмаганлиги, уларнинг хавфсизлик талабларини бузган ҳолда ишлаши; дизайндаги камчиликлар, номукамаллик, машиналар, механизмлар, асбоб-ускуналар ва асбобларнинг ишончлилиги етарли эмаслиги; ҳимоя, хавфсизлик ва бошқа техник хавфсизлик воситаларининг йўқлиги, номувофиқлиги ёки нотўғри ишлаши ва бошқалар.

Таҳлил қилинаётган жиноятлар бўйича аниқланиши лозим бўлган **тўртинчи гуруҳга** қилмишнинг жиноийлиги ва жазоланишини истисно қилувчи ҳолатлар; енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар; шунингдек жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар киради.

Айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш фақат қилмишнинг жиноийлиги ва жазоланишини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирдагина бўлиши мумкин. ЖКнинг 35-моддасига мувофиқ, қилмишда ушбу Кодекста назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Қуйидаги ҳолатлар, яъни кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охириги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик; жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.

ЖКнинг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи, 56-моддасида эса оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган.

Хулоса: Юқорида кўрсатиб ўтилган тўртта гуруҳ, яъни жиноят ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятни субъекти ва субъектив томонига боғлиқ ҳолатлар, ташкилий-техник ҳолатлар ҳамда қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ва жазони енгиллаштирувчи, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг тўғри аниқланиши иш бўйича айбдорларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний, адолатли ва асосли қарор чиқаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жамолдинов.Х.Б. Мирзаев.А.С. Ўзбошимчалик жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар. // Замонавий тадқиқотлар ахборотномаси 2023 йил. 4-сон июнь. Тошкент – 2023 йил // URL: <https://doi.org/10.5281/zenodo.8048365>
2. Абзалов А.Э. Жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид.фан. ноз. ... дис. автореф. – Т., 2006. – Б. 11.
3. Шакуров Р.Р., Рахимов А. М., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н. ва бошқ. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2010. –Б. 34.
4. Борзенков А.С., Рохлин В.И. Прокурорский надзор и расследование уголовных дел о нарушениях правил охраны труда и техники безопасности. Ижевск: Изд-во Удмуртского гос. ун-та, 1992. С. 15.
5. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2024 йил февраль ойининг 26 кундаги ажрими. Суд ҳужжатларини интернет тармоғида чоп этиш веб-сайти. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>
6. М.Х. Рустамбаев, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 168.,
7. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм) Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.ф.д (ПхД) Х. Очилов – Т.: Адолат нашриёти, 2020. – Б. 69.
8. Худойкулов Ф. Ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш курули ва воситаси жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиси сифатида: назарий муаммолар ва таҳлил. "Ўзбекистан-2030: наука, образование и экономика в развитии". Б. 53-54
9. Бакишев К.А. Роль потерпевшего в механизме неосторожного преступного поведения // Десять лет действия Уголовного кодекса Российской Федерации: опыт

применения и перспективы совершенствования: материалы международной научно-практической конференции (28 февраля 2007 г.). Омск, Омский юрид. ин-т, 2008. С. 50-51.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 майдаги “Архитектура, қурилиш, муҳандислик соҳалари раҳбар ва мутахассислари ҳамда ишчи касб эгаларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 179-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/6455127>

11. Саморегулирование в строительной сфере: учеб.-практ. пособие для руков. и спец, саморегулируемых организаций. Под ред. М.Ю. Викторова и А.Н. Ларионова. М., СПб.: Изд-во ООО «ИМКА-Медиа», 2010. с. 177-178.